



- \* Норинлик ёшлар XXI аср ташвишида
- \* Бир отанинг беш чемпион ўғли
- \* Собиқ ҳукумат алдаган "ҳукумат" момо →
- \* ← 2 ёшда 32 президентни таниган болакай
- \* 42 йилу 42 кун ухлаган аёл



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

# Ўзбекистон

1925 йилдан чиқа бошлаган **ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ** 1999 йил 21 апрель Чоршанба. № 30 (144221)

## ЎЗБЕКИСТОН-ЧЕХИЯ: ҲАМКОРЛИК КўЛАМЛАРИ КЕНГАЯДИ

20 апрел куни Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан расмий ташир билан мамлакатимизга келди.

Пойтахт аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов кутиб олди.

Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Чехия Бош вазири Милош Земан билан яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, истиқболдаги режалар, шунингдек, халқаро ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сўнгра икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Музокараларда асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масаласига қаратилди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Чехия Бош вазири Милош Земаннинг мазкур ташири икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

- Биз Чехияда кечаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришларни диққат билан кузатиб бормоқдамиз, - деди Ислам Каримов. - Чехиянинг НАТОга қабул қилинганини табриклаш баробарида унинг Европа Иттифоқига кириши йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам қўллаб қувватлаймиз. Таъкидлаш керакки, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ҳар икки томон учун ҳам бирдек манфаатлидир. Негаки, Ўзбекистон Чехиянинг Ўрта Осиё бозорига кириши учун дарвоза сифатида хизмат қилса, бизнинг Марказий Европа бозорига чиқишимизда Чехия ҳам худди шундай муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволига назар ташлаб, шунини айтиш керакки, ҳамкорлигимиз мавжуд имкониятлар даражасида кечаётгани йўқ. Демак, биз учун асосий вазифа - ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

Бугун Ўзбекистонда ун бешта Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси қайд этилган. Хусусан, «Лечево», «Авиа», «Клуб-97» каби кўплаб фирмалар Ўзбекистонда самарали фаолият кўрсатаётди. Айниқса, Чехиянинг «Шкода» ва «Татра» артомобил фирмалари билан ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш керак. Бош вазир М.Земаннинг Ўзбекистонга ташири доирасида

Тошкентда Чехиянинг савдо-иқтисодий кўргазмаси очилади. Бу Чехиянинг Ўрта Осиёдаги илқ кўргазмасидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун, шубҳасиз, ҳуқуқий асосни янада мустақамлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу кунгача икки давлат ўртасида тўртта ҳукуматлараро ҳамда ўн та идоралараро ҳужжат имзоланган. Ислам Каримов масаланинг ана шу жиҳати эътибор қаратиб, Ўзбекистон билан Чехия ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик ҳамда солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида битим имзолаш табиий ва кечиктириб бўлмайдиган зарурий эҳтибот таъкидлади. Қолаверса, божхона ишларида ўзаро ёрдам кўрсатиш борасида ҳам тегишли ҳужжат имзоланса, икки мамлакат ишбилармонлари учун ҳам, ўзаро ҳамкорликнинг келгуси ривож учун ҳам фойдали бўлур эди.

Ўшундан қилиб айтганда, Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш кўп жиҳатдан ўзаро қўшма корхоналар тузиш ва уларни тўла қувватда ишлатишга боғлиқ. Қўшма корхоналар эса енгил саноат, озиқ-овқат саноати, электротехника ва химия саноати, машинасозлик, металлургия, энергетика, телекоммуникация каби соҳаларда самарали бўлиши мумкин.

Ўзбекистон билан Чехия ўртасида халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ ва ЕХХТ доирасидаги ҳамкорлик ҳам эътиборга моликдир. Айтиш керакки, Ўзбекистон Чехиянинг БМТ Халқаро ҳуқуқ бўйича комиссиясига кириши ва бошқа уринларда уни қўллаб-қувватлаган давлатлардан биридир. Шунингдек, музокараларда туризм, фан ва маданият соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ жиҳатларга ҳам алоқибча тўхтаб ўтилди.

- Мен Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда муҳим урин тутишини яна бир қарра таъкидламоқчиман, - деди Чехия Бош вазири Милош Земан. - Ўзбекистон тараққий этган мамлакатга айланиш учун зарур салоҳиятга эга. Шу боис биз сиз билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз. Бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани эса, афсуски, ҳақиқат. Лекин бугунги кун



## ЎЗБЕКИСТОН — ЧЕХИЯ: ҲАМКОРЛИК КЎЛАМЛАРИ КЕНГАЯДИ

(Давоми. аввали 1-бетда)

мавжуд муаммоларни имкон қадар тезроқ ҳал қилиб, ҳамкорликни ривожлантириш замонадир. Шу боис биз аниқ лойиҳалар асосида иш юритмоғимиз керак.

Музокараларда Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун ўзаро иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда сервис ва лизинг хизмати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалаларда ҳам муайян келишувга эришиш ҳар икки томон учун бирдек фойдали бўлур эди.

Музокаралар ниҳоясида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ҳамда Чехия Бош вазири Милош Земан Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекдилар. Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ўртасида автомобил транспортида халқаро йўловчи ва юк ташиш тўғрисидаги Битим ҳам имзоланди.

Шундан сўнг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуман муқаддимасида мамлакатимиз раҳбари Чехия Республикаси Бош вазири билан бўлиб ўтган мулоқотлардан тўла қониқиш ҳосил қилганини таъкидлади. Сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилган, шунингдек, халқаро ва минтақавий хавфсизлик ҳамда

бошқа масалалар юзасидан томонларнинг қарашлари бир хил экани аён бўлганини қайд этди.

Маълумки, Чехияда ишлаб чиқарилган товарлар ўзбек харидорларининг эътиборини қозона олган. Ҳамкорлик кўламлири ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Бунга мисол тариқасида биргина «Самарқанд-Прага» қўшма корхонаси номини тилга олишнинг ўзи kifоя. Ҳозир Чехия капитали иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар маҳсулотлари нафақат Ўзбекистон, балки мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарида ҳам машҳур. Машинасозлик, фармацевтика, енгил саноат соҳаларидаги ҳамда пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан қадимдан маданият бешиги бўлган Ўзбекистонга ташрифидан мамнуний изҳор этди. Бош вазир ўз мамлақати Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликдан катта манфаат топишини таъкидлар экан, ҳар икки давлат имкониятлари гоёят катталиги, айни пайтда ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қатор лойиҳалар мавжуд эканини айтди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Чехия Бош вазири М.Земаннинг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

**Шухрат УМИРОВ,  
Фарҳод АРЗИЕВ,  
ЎЗА мухбирлари**

## XXI АСРДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида республика Олий ўқув юртлири ректорлари, проректорлари ва профессор-ўқитувчиларининг Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг президенти В.Шукшунов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Халқаро академия президенти В.Шукшунов «XXI асрда Олий таълим» мавзуида маъруза қилди. У ўз маърузасида таълимнинг бундан буёнги ривожланиши тўғрисида фикр юритар экан, Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий ва муҳим тамойиллари ҳусусида алоҳида тўхтади. Ўзбекистонда демократия ва бозор муносабатларини изчил ривожлантириш шароитида таълимнинг устуворлиги, унинг узлуксизлиги, таълим ва тарбиянинг, илм-фан, ишлаб чиқариш ва амалиётнинг ўзаро узвий боғлиқлигига алоҳида эътибор берилётганини юқори баҳолади.

Университет ректори, академик Т.Миркомиллов давлатимиз раҳбарининг мамлакатда илм-фан ва таълимни ривожлантириш, хусусан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий академиги этиб сайлангани муносабати билан учрашув қатнашчилари номидан Президентимизни самимий муборакбод этди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Халқаро академия билан бир неча йиллардан буён яқин алоқада бўлиб келаётгани, бу ҳамкорлик ижобий самара бераётгани қайд этилди.

/ЎЗА/

## ЁШ ФУҚАРОЛАР ЭЪТИБОРДА

Бизнинг Салорни бир маънода ёшлар шаҳарчаси деса бўлади. Чунки аҳолининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Ёшларимиз фуқаролик мажбуриятларини ўз вақтида адо этишларини таъминлаш учун зарур чоралар қўрилаяпти. Шунга кура биз улар ўртасида "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун ва мамлакат Президентининг паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги Фармонини тарғиб этмоқдамиз.

Фуқароларни янги паспортлар билан таъминлаш тадбирини шу йил май ойига қадар тугаллаш ниятимиз бор. Кам таъминланган оилалар фарзандларига фуқаролик паспортларини олиш билан боғлиқ харажатларни йирик ташкилотлар, фуқаролар кенгашлари ўз зиммасига олган. Ҳар йили Ўзбекистон фуқаролиги паспортини усмирларга тантанали топшириш маросимлари-

ни ўтказиб борамиз. Ахир бундай тадбирлар ҳар бир ёшнинг қалбида бир умр сақланиб қолади.

Шаҳар ички ишлар бўлими, маҳалла кенгашлари, тегишли ҳуқуқ-тарғибот идоралари билан ҳамкорликда ёшлар ва усмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ҳам бир қанча ишларни бажармоқда. Ҳозир шахримизда жиноятчиликка қарши кураш ойлиги муваффақиятли ўтказилмоқда. Булимимиз ходимлари паспорт тизимига, жумладан, фуқароларни қайд этиш тартибига риоя этилиши устидан қатъий назорат урнатган. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олишда айниқса қўл келмоқда.

**М. ТўРАЕВ,  
Кибрай тумани Салор шаҳарча  
ички ишлар бўлими паспорти  
хизмати бошлиғи, милиция  
майори**

19 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган ушбу олий мукофотни Ўзбекистон раҳбарига топшириш маросимида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Франческо Франжиалли ва ЖСТнинг Европа бўйича комиссияси раиси Питер Келлер иштирок этди.

Сизнинг ташкилотингиз моҳиятан, БМТ, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро тузилмаларга яқин туради ва айтиш мумкинки, ана шу ташкилотларнинг дунё миқёсидаги маънавий-маданий фаолияти билан Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг жаҳон халқлари миллий мероси ва маданий бойликларини асраб-авайлаш ҳамда уларни бир-бири билан таништиришни йўлга қўйиш жабҳасидаги ишларида ўхшашлик борлигини Ўзбекистонда юксак қадрлашади, - деди Ислоҳ Каримов меҳмонларни қутлар экан.

риш мақсадида, уларга ўзгартиришлар киритиш юзасидан тегишли таклифлар тайёрлаш режалаштирилган.

Дастурнинг сайёҳлик соҳасига сармоя жалб қилиш бўлимида эса 1999-2005 йиллар ичида бажарилиши мўлжалланган қурилиш лойиҳаларини молиялаштиришда хорижий инвесторлар билан маҳаллий сармоядорларнинг маблағларини биргаликда жалб этиш масаласига эътибор қаратилади.

Ҳужжатда ана шундай қўшма лойиҳалар бўйича Тошкент, Самарқанд, Хива, Андижон шаҳарларида замонавий меҳмонхоналар қуриш, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Урганч, Андижон, Жиззах, Термиз шаҳарларида мавжуд йирик меҳмонхоналарни таъмирлаш, Тошкент вилоятида янги оромгоҳ ва гольф клуби барпо этиш, шунинг-

## ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов "Буюк Ипак йўли" халқаро лойиҳасини амалга ошириш ва ривожлантириш соҳасидаги буюк хизматлари учун Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ)нинг олий мукофоти билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, 1974 йилда туризм соҳаси бўйича ҳукуматлараро ташкилот сифатида юзага келган ва ўтган чорак аср ичида ўз сафларига дунёнинг 130 дан зиёд мамлакатини жипслаштира олган мазкур халқаро тузилманинг фаолият доираси биргина сайёҳлик соҳасини ривожлантириш билан чекланиб қолмади. Туризмни ривожлантириш йўли билан ҳамкор мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига муайян ҳисса қўшиш баробарида, давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш, тинчлик-барқарорлик ва фаровонликка интилиш, шунингдек, дини, тили, жинси ва ирқидан қатъий назар сайёрамиздаги барча кишиларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг асосий эркинликларини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини эътироф этиш ва бу ҳуқуқларга бевоқифа амал қилиш каби масалалар ҳам ЖСТнинг энг муҳим мақсадлари сирасига киради.

Куни кеча Тошкентдаги ЖСТ Европа бўйича комиссиясининг 34-мажлиси ҳамда туризм ва маданият мавзусида халқаро анжуман ўтказилганлиги мисолларида ҳам кўриш мумкинки, мамлакатимизнинг 1993 йилнинг июлида ушбу халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кириши муносабати билан бошланган ўзаро алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.

Бир неча кун илгари эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармонга мувофиқ маъқулланган ҳамда яқин 5-6 йил оралиғида амалга ошириш мўлжалланган кенг кўламли тадбирлардан иборат ана шу махсус Давлат дастурида, аввало, сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий-норматив асосларини шакллантиришга алоҳида урғу берилди.

Хусусан, Дастурда шу йилнинг биринчи чорагида "Туризм тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш, республикамиз ҳудудига кириш ва чет элга чиқиш тартиб-ни, шунингдек, хорижий сайёҳлар томонидан тўлдириладиган боғжона, виза ва бошқа хил ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича амалдаги тартиб-қоидаларни янада соддалашти-

дек, мамлакатимиз ҳудудида бошқа кўпжа хусусий кичик меҳмонхона ва отеллар, туризм бўйича қўшма корхоналар фаолиятини ташкиллаштириш белгиланган.

Шунингдек, Дастурда туризмни ривожлантириш юзасидан муайян маркетинг амалларини бажариш, тараққий этган давлатларнинг сайёҳлик муассасалари, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, ЮНЕСКО, ЮНИД, ПРОСОН каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро тажриба алмашув ҳамда ахборот айрбошлаш соҳасида ҳамкорликни фаоллаштириш кўзда тутилган.

Дастурнинг бошқа бўлимларида сайёҳларга хизмат кўрсатиш савиясини халқаро андозалар даражасига кўтариш, туризм инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш, халқаро марказлар кўмагида туризм соҳаси бўйича етук мутахассислар ҳамда таржимон-йўлбошловчи ходимларни тайёрлаш ва соҳа мутахассисларининг малакасини оширишни йўлга қўйиш, бундан ташқари, бутун дунёнинг тарихий ва маданий мероси саналадиган қадимий шаҳарларимиз ва қўриқхоналаримизни сақлаш ҳамда улардан асраб-авайлаб фойдаланиш, шунингдек, ички туризмни шакллантириш юзасидан бажарилиши лозим бўлган аниқ тадбирлар ҳусусида сўз боради.

Қисқасини айтганда, мамлакатимизда бу жабҳада бошланиб кетган кенг қамровли ишлар, ўз навбатида, келгусида ЖСТ билан муносабатларимизнинг янада теранлашишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Бизнинг маълумот: Ўзбекистон 1993 йилдан буён БМТ ва ЖСТнинг истиқболли дастурларидан бири саналган "Буюк Ипак йўли" лойиҳасини амалга оширишда фаол қатнашиб келаётир. 1994 йилда Тошкентдаги ЖСТ ва ЮНЕСКО билан ҳамкорликда "Буюк Ипак йўлида сайёҳлик тараққиёти" мавзуида дастлабки халқаро анжуман ўтказилди. 1995 йилда эса биринчи марта 100 тадан зиёд сайёҳлик компания ва фирмалари иштирокида "Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик" халқаро кўргазмасини уюштириш учун ҳам мамлакатимиз пойтахти муносиб топилди. 1998 йилда бўлиб ўтган тўртинчи сайёҳлик кўргазмасида эса қарийб 170 та сайёҳлик фирма ва компаниялари қатнашди.

"Туркистон — пресс"

Президент  
сабоблари

**Мамлакатимиз келажагини янги авлоднинг билими, тафаккури ва дунёқарашидан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Аслида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг, халқ таълими соҳасида Миллий дастур ишлаб чиқилганлигининг ва шу асосда уларнинг ҳар томонлама етук шахслар бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилаётганлигининг туб сабаблари ҳам мана шунда. Шу жиҳатдан Юртбошимизнинг яқинда бўлиб ўтган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республика-**

**си Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳам ёшлар тарбиясига энг муҳим масалалардан бири сифатида баҳо берилганлиги бежиз эмас.**

**“Туркистон” газетаси тахририятининг Наманган вилояти Норин тумани ёшлари билан ўтказган давра суҳбатиде ҳам шу маърузада кўтарилган масалалар, хусусан қишлоқ ёшлари ҳаёти асосий мавзу бўлди. Ёшлар билан бир қаторда туман ҳокими ва “Камолот” жамғармаси худудий бўлими вакиллари ҳам иштирок этган бу учрашувимиз тафсилотлари билан сиз газетхонларни ҳам таништиришни лозим топдик.**

**Шамсиддин СУЛТОНОВ — “Камолот” жамғармаси туман бўлимининг мутахассиси:**

— Бугунги кунда ёшларимиз тарбиясига катта аҳамият берилётганлиги ҳақида кўп гапиряпмиз. Лекин, менимча, бу эътибор уларнинг онгида қандай акс этаётганлиги муҳимроқ. Чунки биз қанчалик ҳаракат қилмайлик, ёшларнинг ўзида интилиш бўлмаса ишимиз натижасиз бўлиб қолаверади. Шу жиҳатдан эътироф этиш керакки, кейинги вақтларда ёшларимизда ҳаётга янгича ёндашиш, воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз фикрини дадил айта олиш ҳислатлари пайдо бўлаётганлиги кишини қувонтиради. Айниқса, февраль воқеаларидан кейин бу яққол кўзга ташлана бошлади. Уларнинг онгида мудраб ётган фикрлар уйғонгандек бўлди. Ёшлар ўзларига яратилаётган шарт-шароитларнинг замирида нималар ётганлиги — янги авлодга бутун юрт умид кўзи билан қараётганлигини, мустақил мамлакатимиз келажаги кўп жиҳатдан уларнинг билими ва салоҳиятига боғлиқлигини тушуниб ета бошлади.

**Равшанбек МАМАДИЕВ — “Норин овози” газетаси бўлим мудир:**

— Бу тўғри, лекин ёшларимиз орасида “аслида шундай бўлиши керак — бизга ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришлари лозим” деган фикрда юрганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ишсизлик масаласини олайлик. Баъзи ёшларимиз туманда иш жойлари камлигидан нолишади. Ваҳоланки, ўзларига тегишли томорқалар қаровсиз ётганлиги, яхшилаб ишлов берилса бемалол бир оилани тебратадиган даромад олиш мумкинлиги ҳақида ўйлашмайди ҳам.

**Фуломиддин ЖАББОРОВ — туман ҳокими:**

— Яқинда бир хонадонда бўлдик. Оила аъзолари турли соҳаларда ишлашларига қарамасдан бўш вақтларида томорқаларида деҳқончилик қилиб ўн сотих ер майдонидан йилига қарийб икки миллион сўм даромад олишар экан. Бу ҳазил гап эмас. Фақат одамда меҳнатга иштиёқ бўлиши керак.

Афсуски, ҳамма ёшларимиз ҳақида ҳам шу фикрни айтиш қийин. Бир куни қабулимга икки ака-ука келиб иш топиб беришимни сўрашди. Шарт-шароитлари билан танишиш учун уйига бордик. Каттагина томорқаси бор экан, лекин ўтган йили экилган маккажўхори ҳамон йиғиб олинмаган, босилиб-янчилиб, қаровсиз аҳволда ётибди. Ахир шу ерда экин-текин қилиш, қолаверса, кўшимча ер олиб деҳқон-фермер хўжалиги ташкил қилиш ёки қишлоқ корхона очиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин-ку. Таассуфки, баъзи ёшларимиз тузукроқ мутахассисликка эга бўлмасдан туриб, иш топиб беришни сўрашади, енгил-елпи йўл билан кун кўриш пайида бўлишади.

**Феруза МҮМИНОВА —**

**16-ўрта мактаб ўқитувчиси:**

— Чиндан ҳам қишлоқ жойларида бу масалага асосий эътиборни қаратиш керак. Масалан, мен мактабда дарс бераман, шу боис, таълим-тарбия соҳасида яратилаётган шарт-шароитларнинг бевосита гувоҳиман. Ўрта мактабни битирганимга кўп бўлгани йўқ, лекин у вақтларда ўқиш ёки ўқитиш учун бунчалик катта имкониятлар йўқ эди. Компьютердан, янгидан-янги дидактик воситалардан фойдаланишни тасаввур ҳам қилолмасдик. Бугун бу соҳада мисли қурилмаган даражада узғаришлар бўляпти. Ўқитувчиларга катта имтиёзлар берилган. Бундан ташқари Миллий дастурда кузда тутилган масалалар ҳам ислохотларга жиддий киришилганини курсатиб турибди. Шундай шароитда ёшларнинг ўзлари ҳам ҳаётга чанқок бўлишлари, юзага келаётган имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилишлари лозим.

Масалан биз ҳам томорқага ҳар хил экинлар

экамиз, шу боис юқорида айтилган фикрларнинг тўғрилигига ўз ҳаётимда амин бўлганман. Бундай иш ҳар томонлама фойдали: биринчидан — оилага кўшимча даромад, иккинчидан — бозорларимиз тулишига озми-кўпми ҳиссамиз қўшилади. Қолаверса, оилавий меҳнат болалар тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

**Равшанбек МАМАДИЕВ:**

— Менимча, томорқадан унумли фойдаланишни фаолроқ тарғиб қилиш лозим. Керак бўлса шу

риятлар мавзуларида учрашувлар, суҳбатлар ўтказилапти. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун истироҳат боғлари, ўқув даргоҳлари қошида турли тўғараклар, клублар ташкил этилмоқда. Лекин ҳали барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланилди деб бўлмайди. Бу муаммоларни ҳал этиш учун ёшлар ташкилотлари ва маҳалла кенгашлари ишларини янада кучайтиришимиз лозим бўлади.

Ҳамон мустақиллигимизни кўролмайдиган, тинч ва осойишта ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга тўғанок бўлишга ҳаракат қилаётган кимсалар бор. Улар ўз гаразли мақсадларига эришиш учун аввало ёшларимиз онгини заҳарлашга уринишмоқда. Айнан шу ўринда биз мафкурага қарши мафкура билан курашишимиз — мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизда Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришимиз керак.

**Шамсиддин СУЛТОНОВ:**

— Ёшлар ўртасида содир бўлаётган салбий ҳолатларнинг туб сабаблари йигит ва қизларнинг ҳуқуқий саводсизлигига ҳам бориб

тақалади. Ёшлар ўртасида бу борадаги ишларни янада жонлантириш, бунда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари имкониятларидан кенг фойдаланиш керак. Ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларинигина эмас, балки Ватани, халқи олдидаги масъулиятини ҳам тўлиқ англаб етсагина турли жиноий оқимлар таъсирига берилмайди.

Тарбия аввало оиладан, сўнгра мактабдан бошланади. Демак, инсоннинг баркамол бўлиб вояга етишида ана шу икки даргоҳ муҳим ўрин тутди. Кейинги йилларда “Камолот” жамғармаси томонидан аксарият мактабларнинг бошланғич синфларида ўқувчилар ташкилотлари тузилди ва уларга “Собитлар” деб ном берилди. Бу ташкилотлар фаолияти ёшларда илк болалик чоғлариданоқ ҳаётга фаол муносабатда бўлиш, поклик ва ҳалоллик фазилатларини тарбиялашга йўналтирилган.

**Равшанбек МАМАДИЕВ:**

— Албатта ёшлар тарбиясида ҳуқуқий саводхонлик катта ўрин тутди. Лекин февраль воқеалари кўпроқ мафкура билан боғлиқ. Диний экстремистлар оддий безорилар эмас. Улар тарғиб қилаётган гоёлар мустақиллигимизга қарши қаратилган. Шу жиҳатдан баъзи ёшларнинг турли ғайриқонуний диний оқимлар таъсирига тушиб қолиши мафкуравий бўшлиқнинг оқибати, деб ўйлайман. Бу миллий мафкурамизни ёшларимиз онгига синдириш борасида жиддий иш олиб боришимиз кераклигини кўрсатади. Шундагина мамлакатимизнинг ҳар бир ёш фуқароси қандай буюк миллат вакили эканлигини, Ватан ундан нимани кутаётганлигини англаб етади.

**Давра суҳбатини “Туркистон” муҳбири Жамолиддин ТҲУТАШЕВ ёзиб олди**

**ТАХРИРИЯТДАН.** Албатта давра суҳбатиде билдирилган фикрларда Юртбошимизнинг сессиядаги маърузасидан чиқарилган илк хулосалар ўз ифодасини топган. Аслида бу маъруза чуқур ўрганишга, тадқиқ этишга арзийдиган, мамлакатимиз буюк келажагини барпо этишда дастуруламал бўладиган тарихий ҳужжатдир. Унда белгилаб берилган йўналишлар ҳар биримизни Ватан тақдири, истиқболи ҳақида жиддий фикр юритишга ундайди.



мавзуда кургазмали семинарлар ўтказиш, ундан деҳқончилик билан муваффақиятли шугулланаётган ёшлар амалга ошираётган ишларни ибрат сифатида кўрсатиш керак. Айниқса харбий хизматдан қайтиб иш излаб юрган ёшларга бу жуда қўл келади.

**Дилдора КОМИЛОВА —**

**5-ўрта мактаб ўқувчиси:**

— Негадир ёшлар деганда асосан ўғил болалар назарда тутилади. Аниқроғи, уларнинг муаммолари ҳақида кўпроқ гапирилади. Ваҳоланки, қизларимизнинг ҳам ўзларига яраша ташвишлари бор. Масалан, бизда кўпгина қизлар ўрта мактабни битиргач, олий ўқув юртларига кириб ўқишни орзу қилишади. Баъзи ота-оналар эса ҳамон қиз бола ўқиши шарт эмас, деган фикрда.

**Шамсиддин СУЛТОНОВ:**

— Бу ўринда, менимча, ёшлар жамоатчилик ташкилотлари кўпроқ иш олиб боришлари керак. Улар ота-оналар билан суҳбатлашиши, керак бўлса иқтидорли болаларнинг билим олишлари учун моддий ёрдам кўрсатишлари лозим.

**Улуғбек МИРЗАКОМИЛОВ —**

**иқтидорли болалар лицейи талабаси:**

— Мен ҳам шу фикрга қўшиламан. Қани энди “Камолот” жамғармаси ҳам кам таъминланган оилаларнинг аъло ўқийдиган фарзандлари учун репетитор курслари ташкил қилса.

Бугунги кунда биз тахсил олаётган иқтидорли болалар лицейида жаҳон андозалари даражасида таълим олишимиз учун барча шароитлар мавжуд. Бизда ҳатто хориждан келиб дарс бераётган ўқитувчилар бор. Келажақда бундай ўқув даргоҳларининг кўпайиши ёшлар учун янада кенгрок имкониятлар очади.

**Фуломиддин ЖАББОРОВ:**

— Президентимизнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган маърузасида ёшлар муаммолари ҳақида гапирилган экан, айнан шу ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилди.

Ҳозирги вақтда ёшларнинг маънавий тарбиясига асосий эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Февраль воқеалари мисолида биз эндигина балоғат ёшига етган, ҳали оқуқорани унчалик фарқлай олмаётган ўғил-қизларимиз тарбияси борасида баъзи нуқсонлар борлигини кўрамиз.

Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида муайян ишлар, тадбирлар амалга ошириляпти, албатта. Маҳаллаларда маънавият, дин, миллий қад-

## Хотира уйгонса гўзалдир

Биз уни Гурлан тумани марказидаги уйига йўқлаб борганимизда кўрпа-ёстиқ қилиб ётган экан. Ташрифимиз кувонтирди шекилли, дастурхон агрофига келди, гурунглашиб ўтирдик.

— Саксон бир ёшга кирдим. Шу маҳалгача соғлигимдан нолимаганман. Яқиндан бери қон босимим ошиб турибди. Бунга ҳам сабаб бор, ўғлим. 16 февраль куни Тошкентда содир этилган портлашлар ҳақида эшитган заҳотим кўз ўнгим қоронгулашиб, юрагим орқага тортиб кетди. Уруш деса жисми жоним қақшайди. Болаларнинг умр-кунини, бахтини берсин деб йиғлайман, худога тавалло қиламан. Илойим урушнинг оти ўчсин. Урушнинг қандай офат эканини, мана мендан сўранглар. Азобларини тортганман, ахир.

Дарҳақиқат, Пошша она Маҳмудова халқ бошига келган қора кунлар азиятини чеккан аёл. Эл оч бўлса оч, тўқ бўлса тўқ яшаган фидойи инсон. Унинг умр йўллари ҳақида кўпчилик ҳали ҳеч нима билмайди. Биз ҳам узунқулоқ гапларнинг чин-ёлғонини исботлаш учун собиқ ҳукумат раҳбари хонадонидан бўлиб бир пиёла чой устида хотираларини тингладик.

— Мен деҳқон оиласининг фарзанди эдим. Бор-йўғи 4-синф маълумотига эга бўлсам-да, илмга ташна, зийрак ва зува-



## СИЗ БИЛГАН... БИЛМАГАН «ХУКУМАТ» МОМО

ласи пишиқ қизлардан эканман, - деб ёшлик йилларини хотирлайди Пошша момо. — Катта даргоҳларга бориб ўқиш илнжида юрганамда юрт катталари ўқиш қочмас, сендай ёшлар воҳага жуда керак, деб Хоразмда олиб қолишди.

Иш фаолиятини оддий звено бошлиқлигидан бошлаган бу аёл кўп ўтмай Гурлан тумани халқ депутатлари ижроия қўмитаси раислиги лавозимига тайинланди. Хоразм азалдан сугорма деҳқончиликка асосланиб, тупроғидан ризқ ундиради. Баракали ҳосил олиш учун эса сунъий сугориш тармоқларининг аҳамияти беқиёсдир. Асризмизнинг биринчи ярмида ариқ ва каналлар қазилди, фўкарлар зиммасидаги юмушлардан бири эди. Техника ривожланмаган бир даврда, яъни 1939 йили Хоразмнинг бугунги кундаги асосий катта сугориш тармоқларидан бири бўлмиш Тошсоқа каналини қазилди киришилади. Қазилди ишларига бош қилиб гурланлик, эндигина 21 баҳорни қаршилаган П.Маҳмудовани сайлашади.

— Отда юриб туркману қорақалпоқ ва ўзбекларни қабул ишларига чорлаб, олиб чиқардим, - деб эслайди ўша йилларни момо. — Замонани қаранг, эндигина 20 ёшдан ошган бўлсам-да, ўшанда уч-тўрт фарзанднинг онаси эканман. Тагин яна бир фарзандимга ҳомилалор эдим. Бир неча бор отдан йиқилиб тушиб ишдан воз кечиш ҳаёлига борардим, бироқ шу канал дегани воҳага обод қиладиган сув йўли. Уни бир кун қазилганининг ўзи қиёматгача савобга кўмилади деган фикрга келиб яна ишимни давом эттираверардим.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида П. Маҳмудова Хоразм вилояти халқ депутатлари ижроия қўмитаси раислигига тайинланади. 1942 йилнинг февралда эса ўзи кутмаган лавозимга тайинланганлиги ҳақида эшитади. Ўзи билан бир оғиз маслаҳатлашиб, розилиги олинмасдан туриб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши президиуми раиси ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги фармонни қўлига тутқаздилар.

— Оилам билан Тошкентга кўчиб кетдик. Менинг зиммамга жанг кетаётган ҳудуддан эвакуация қилинган, яъни кўчиб келганларни бошпана, иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминлаш вазифаси юклатилган эди. Чунки Олий Кенгаш президиуми раисининг ўринбосари бўлиб ишлашим билан бирга, эвакуация қилиш комиссиясининг раиси вазифасини ҳам адо этар эдим. Кундузни кечага улаб ухламасдан усти юпун, очликдан силласи қуриган одамларни қабул қилиб, уларга шароит яратиб берардик. Баъзан ўз уйимда меҳримга ташна болаларни ҳолидан хабар олишга вақт тополмасдим. Бироқ собиқ тузумнинг меҳнатни қадрлаш олати йўқ эди. Туғилган укасининг Ик-

кинчи жаҳон урушида немис-фашистларига асир тушиб тутқунликда бир неча йилни ўтказиб қайтгани учун машъум сиёсат унинг номига қора чаплаши аниқ эди. Ўша пайтлари асирликнинг азоб-уқубатларини чекиб Ватанига қайтганлар коммунистлар доҳийси Сталиннинг "муқофот"и билан сургун қилинарди. Албатта П.Маҳмудованинг иниси ҳам бундай "сийлов"дан бенаиб қолмади. Юз беражак вазиятни олдиндан ҳис қила олган бу аёл 1947 йили ўз ихтиёри билан эгаллаб турган лавозимидан озод этишларини сўраб ариза ёзганди.

Тарихга ҳаққоний ёндашадиган бўлсак, мустамлака тузumi ўзига тобе минтақаларда ўз сўзини баралла, дадил айта оладиган фидойиларнинг чиқишига тиш-тирноғи билан қарши турганлар. Агар аксинча бўлганида эди шахсга сизиниш йилларида не-не буюк ватандошларимизнинг гул умри хазон бўлиб кетмас эди. Халқларни итоатда тутиб туриш, итоатгўй раҳбарлар етиштириш шўро сиёсатининг бош мақсадларидан бири бўлган. П.Маҳмудова бор-йўғи 4-синф маълумотга эга, олийгоҳ остонасини хатламаган аёл эди. Гарчи унинг қалби оташ, ташаббускор, халқининг ғами-ташвиши билан ҳамнафас бўлса-да, унинг сиёсий даражада билими ўсиб шаклланмагани Кремль салтанатидагилар учун ўта муҳим ва шарт бўлган омиллардан бири эди.

П.Маҳмудованинг халқимиз олдида ўзига яраша хизматлари беқиёслигини барибир эътироф этишимиз шарт. Унинг ҳар бир қилган иши юртпарварлик, инсонпарварлик туйғуларига йўғрилгани маълум. Кимдир бугун болалик чоғларида ажал бозори қизиб турган минтақалардан ўзбек тупроғига иссиқ меҳр истаб келганида П.Маҳмудовадай оналар ўз бағрига олганини эслайди, албатта. Жаннатмакон боғларида Тошсоқадай жўшқин каналдан оби-ҳаёт таратганида уни қазилган бош-қош бўлган ҳиммати баланд аёлга тасаннолар айтгувчилар талайгина. Олис манзилларни яқин қилувчи воҳа темир йўллари қурилиши ҳақида гап кетганда ҳам бу соҳа тарихнинг ёрқин саҳифасида Пошша онадай бир аёл туриши фахр билан тилга олинади.

Биз ҳукумат момо ва у фаолият кўрсатган у даврлар ҳақида етарлича маълумотлар олиб, қониқиб ҳосил қилгач, кетишга тараддуландик. Ёшларнинг дуои жонларини қилиб кузатиб қолар экан, унинг бизга насихатлари шу бўлди:

— Ким бўлишингиздан қатъий назар халқ билан бирга, ҳамнафас бўлинг. Халқдан узоқлашган одам Ҳақдан узоқлашган билан баробардир.

Эрпўлат БАХТ,  
"Туркистон"нинг Хоразм вилояти ва  
Қорақалпоғистондаги мухбири

## 48 ЙИЛДАН СЎНГ ТОПИЛГАН ЎҒИЛ

У ун саккизга ҳали кирмаган, қорачадан келган, девқомат, забардаст, бироқ кўнгилчан ва соддадил эди. 1942 йил 23 июнда синфдошлари қатори Косон туманидан урушга жунатилди. Отаси Йулдош ота, онаси, укалари ҳар куни кўчага термулишар, почтачини интиқиб кутишарди. Фармонжондан келадиган қисқагина мактуб қўлма-қўл булар, қайта-қайта ўқилар, ота-онаси боламнинг ҳиди келармикин, дея соқов қозони ҳидлаб-ҳидлаб, тўймас эди.

Дастурхонга (камдан кам бўлса-да) тансиқ таом қўйилгудек бўлса, дарҳол ўзи йўқ Фармонжонга илинишар, фотиҳага қўл очилганда юртга тинчлик, фашистларга қарши курашаётган тўнғич ўғилнинг эсон-омон, тўрт мучаси соғ қайтиши эғамдан тиланарди. Ҳатто онаси девқомат ўгли қайтса, кимнинг қизига оғиз солишни-ю, "Суюнчи, акам келяпти!" дея жар солиб келадиган болаларга нималарни беришгача уйлаб юрарди.

Аммо Фармонжон киндик қони тукилган бу юртларни, ота-онаси, туғилган жигарларини бир умрга ташлаб кетган экан. Орадан тўққиз ойгина утгач, совуққина хабар келди: "оддий аскар Фармон Йулдошев дараксиз йўқолди"...

— Отам Йулдош бобонинг бирдан бир орзуси тўнғич ўғилнинг дарагини билиш, агарда вафот этган бўлса, мазорини топиш эди, - дея эслайди Муборак газни қайта ишлаш заводи ходими Н.Қўлмирзаев. - Биз ҳам акамиз дараксиз кетган бўлса, демак, бир куни тақдирдан хабар топармиз, дея кўп жойларга мурожаат этдик. Отамиз акамизни кута-кута бу дунёдан армон билан кетди. Фақат қарийб 48 йилдан сўнг акамнинг тақдирини билдик. У Курск вилоятининг Мосточки қишлоғида немис-фашистлар билан бўлган жангларда қаҳрамонлик ва жасурлик кўрсатиб, ҳалок бўлган. Жасади ўша қишлоққа кўмилган экан.

Тақдирни қарангки, акам ҳақидаги қора хат 1943 йил 7 майда Косон туманига етиб келган. Бироқ оддий аскар Ф.Йулдошев ҳақидаги асл ҳужжат мазмуни унинг оила аъзоларига етказилмаган, фақат бедарак йўқолган дея хабар қилинган, холос. Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни жорий этилгани ҳақидаги Президент Фармони биз каби урушда жигарларидан жудо бўлганлар кўнглига озми-кўпми таскин берди. Энди Хотира майдонида уларнинг жисмисиз, тилсиз бўлса-да, руҳлари биз билан бирга нафас олиб туради.

## 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ХОТИРА МАЙДОНИ — МУҚАДДАС ЗИЁРАТҒОҲ

Республикамиз Президентининг Фармонига мувофиқ 9 май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинганидан сўнг Қибрай тумани меҳнатқашларининг ҳам орзуси амалга ошди. Туманда Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш мақсадида ўзига хос Хотира боғи барпо этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, боғни барпо этишда «Нуроний» жамғармаси туман бўлими алоҳида жонбозлик кўрсатди. Дастлаб туман ҳудудида қаровсиз ётган эллик метр баландликдаги Тупроққўрғон тепалиги танлаб олинди. У ерга сув чиқарилди, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Урушда ҳалок бўлганларнинг номи мрамр лавҳаларга ёзиб қўйилди. Хуллас, боғ туманда ўзига хос зиёратгоҳга айланди.

Айни вақтда Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлашга жиддий ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Чинноз, Зангиота, Паркент туманларида уруш қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликларни халқимиз руҳиятига, миллий қадриятларга мос равишда қайта таъмирлаш ишлари жадал бормоқда. Янгийўл туманида ҳам илк бор ана шундай майдон бунёд этилаётир.

— Марҳумларнинг номини абадийлаштиришда ортиқча даб-дабага йўл қўймаймиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Нўрмон Насимов. — Асосий эътиборни Хотира майдонларини халқимиз руҳига мос бўлишига, чинакам зиёратгоҳга айланишига қаратаймиз.

Вилоятда бугунги кунда етти минг нафарга яқин иккинчи жа-

ҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Эътиборли томонини шундаки, кейинги ойларда олиб борилган талбирлар натижасида жангоҳларда иштирок этган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, фашизм балосини даф этишга ҳисса қўшган минтага яқин аёллар рўйхати ҳам илк бор тузилди. Шу билан бирга мамлакатимиз мустақиллиги, унинг ёрқин келажаги учун жон фидо қилган юртдошларимиз номларини аниқланиб, хотираси абадийлаштирилмоқда.

Айни пайтда вилоятда шахидларнинг руҳини шод этиш билан бирга, тирикларга иззат-икром кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаган. «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими уруш қатнашчилари ва ноғиронлари, боқувчисини йўқотган оилаларга 350 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Юрт озодлиги, эл фаровонлиги учун курашган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишига маҳаллий ҳокимликлар, хайрия ва жамоат ташкилотлари жалб этилган.

Кексаларни қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш халқимизнинг азалий фазилати ҳисобланади. Зеро, бугунги кунда биз билан ёнма-ён яшаб келаётган табаррук отахону онахонларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ёшлар учун ўзига хос мактаб. Шу боис маҳалла-ларда, ўқув муассасалари ва меҳнат жамоаларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилаётир. Уруш ва меҳнат фахрийлари ёшларни мамлакатимиз мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаёт қадрига етишга ундамоқда.

Нобҳлат ДУШАЕВ,  
ЎЗА мухбири

Ҳақиқий санъатнинг барча соҳаларида бўлгани каби ёғоч уймакорлигининг ҳам ўзига яраша машаққатли жиҳатлари бор. Аммо, меҳнат ва машаққат кишини ҳамisha улугворликка етаклашини билган Мукаррамхон Иброҳимова ота касбининг бундай ўткинчи қийинчиликларидан асло чўчимайди.

Тошкентдаги донги чиққан наққошлар сулоласининг вакили Мукаррамхон беш яшарлигидан падали бузруквори -- таниқли уста, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Нейматжон Иброҳимовнинг ёнида ёғочга жило беришнинг нафис ва нозик сир-асоридан сабоқ ола бошлади. Дастгоҳлар бошида ўтган сермашаққат соатлар, кунлар, ойлар аждодлари касб-ҳунарига нисбатан

кўргазмаларда намоиш этилади.

Малайзиянинг пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида 1994 йилда бўлиб ўтган ана шундай халқаро кўргазмаларнинг бирида, Мукаррам опанинг хотирлашича, кўргазма томошасига келганлар Ўзбекистон номидан намоиш этилаётган бундай бемисл санъат дурдоналарининг ижодкори аёл киши эканига ишонқирамай қарайдилар. Шунда Мукаррам опа ўша жойнинг ўзида дастгоҳда иш бошлайди ва хорижлик нақш санъати мухлисларининг кўз ўнгидан чиройли буюмлар ясаб кўрсатиб, уларнинг эътирофи ҳамда таҳсинига сазовор бўлади.

-- Менинг бу касб-корим, меҳнатим Ватанимиз шухратига озгина бўлса ҳам ҳисса қўйса, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман, -- дейди Мукаррам опа.

## БАРҲАЁТ САНЪАТ

иштиёқли Мукаррамхонни 12-13 ёшидаёқ устози ишончига сазовор моҳир уста сифатида шаклланишига алоҳида ҳисса қўшгани баробарида, унинг ота-онасига нисбатан эҳтиромли фарзанд бўлиб тарбия топишида ҳам муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда Мукаррам Иброҳимова ташкил қилган устахонада ўнга яқин моҳир уста ва йигирмадан ортиқ ёш устазодалар меҳнат қилишади. Ана шу қўли гул ҳунармандлар томонидан устахонада 100 дан зиёд номдаги маҳсулотлар, хусусан, гулдон, шамдон, упадон, лавҳ, хилма-хил лаганлар ва қутичалар, қўштабақа меҳробли жавонлар, нодир нақшинкор устунлар, уймакор эшик ва дарвозалар тайёрланмоқда.

Ўзал ва бетакрор нақшлар билан безалган бу бежирим маҳсулотлар билим, ҳунар, санъат ҳамда маҳоратнинг ноёб намуналари сифатида дунёнинг турли мамлакатларида, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Польша, Руминия, Япония, Жанубий Корея, Индонезия, Бирлашган Араб Амирликлари, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг бир қанча шаҳарларида ўтказилган халқаро

Юқоридан наққошликдек мукаммал санъат ва сермашаққат касб-ҳунарга ошнелик Мукаррам Иброҳимованинг ёшлигиданоқ оила аъзоларига нисбатан эҳтиромли, олижаноб ва меҳнаткаш инсон бўлиб вояга етишида, эл ўртасида обрў-эътибор орттиришида яқиндан хизмат қилганлигини эслаган эдик. Айтиш жоизки, эндиликда катта бир рўзгорнинг соҳибаси бўлмиш ана шу оқила ва дилбар аёлнинг ўғил-қизлари ҳам меҳнатсеварлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларига йўғрилган самимий муҳитда униб ўсмоқда.

Оила бошлиғи Тулаган ака Гойипов рафиқасининг отамерос касбига ҳурмат билан қарайди. Айни пайтда уларнинг фарзандлари Жамшид ва Муҳайё Камолдин Бехзод номли рассомлик ва дизайн институтларида таҳсил олаётди.

От изини той босар, деганларидек, ёшларнинг энг катта оғзуси -- ёғоч уймакорлигининг сир-синоатларини пухта эгалаб, келгусида боболарининг руҳини ёд этиш баробарида, волидан муҳтарамалари ва илк устозлари Мукаррам опага муносиб фарзанд ҳамда шогирд бўлиб етишишдан иборат.

Рисолат МАДИЕВА,  
"Туркистон-пресс"

## САКУРА НАВРЎЗДА ГУЛЛАЙДИ..

Яқинда Япониянинг NHK радиоканали орқали машҳур "Осиё" кундалик тонгги дастурида Наврўзга бағишланган эшиттириш тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси кўмаги билан тайёрланган радиоэшиттиришда ушбу байрам тарихи, у билан боғлиқ урф-одатлари тўғрисида ҳикоя қилинди. Хусусан мамлакатларимиз халқларининг маданий аънаналарида муштарак жиҳатлар кўплиги, уларнинг Буюк ипак йўли даврига бориб тақалиши таъкидланди.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, баҳорнинг уйғонишига бағишланган ушбу байрам кун чиқар мамлакатда биздагига ўхшаб бир ой давом этади. Фақат у 22 мартда, бир кун кейинроқ бошланади.

Сунги пайтларда Япония телевидениеси ва матбуотида Ўзбекистон тўғрисида жуда кўп хабарлар берилмоқда.

Маданий ва спорт алоқаларининг ривожланиши мамлакатимизга бўлган қизиқишининг ортишига кўмаклашмоқда. Масалан, яқинда Дэвис кубоги учун Япония ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган катта теннис мусобақаларидаги ҳамюртларимиз ғалабаси япон матбуотида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Мамлакатнинг йирик газеталаридан бири "Дейли йомиури" эса ўзбек спортчилари тайёргарлик савиясининг юксаклигини алоҳида эслатиб ўтди.

Ушбу мусобақа бўлиб ўтган Айзувакаматсу шаҳрида мухбирлар эътиборини "Ипак йўли билан қуруқлик ва денгиз узра" деб номланган музей тортди. Унинг кўргазмасида қадимги Бухоро тўн, дуппилари, Самарқанд меъморчилик ёдгорликларидан олинган ўрта аср мовий ранг нақшинкор намуналарини кўриш мумкин. Музей соҳибининг сузларига қараганда, ушбу ашёларни унинг турли даврларда Буюк ипак йўли мамлакатларига, хусусан Ўзбекистонга ташриф буюрган аждодлари тўплаганлар. Яқинда ўзбек дипломатлари тақдим этган сопол лаган эса музей кўргазмаси қаторидан мамлакатларимиз ва халқларимиз ўзлуксиз алоқаларининг рамзи сифатида фахрли ўринни эгаллади.

Яна бир неча мисол.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси таклифига биноан мамлакатимизга ташриф буюрган машҳур япон фотосуратчиси Кейки Хагинойе ўзининг бир ярим мингдан зиёд фотосуратларида акс эттирилган Ўзбекистон

буйлаб йулбошловчи - фотоальбомини нашрга тайёрлади.

Яқинда Токионинг нуфузли марказларидан бири -- Гинзада "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг расмий ваколатхонаси очилди. Миллий авиакомпаниямиз шу йилнинг май ойида Тошкент-Нагоя йўналиши бўйича тўғридан-тўғри махсус авиақатновларини амалга оширишни режалаштирмоқда. Ўзбекистонга дастлабки сафар авиачипталари ҳозирданок сотиб бўлинди.

Айни пайтда Япониянинг энг йирик шаҳарларидан бири -- Осакада "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг ваколатхонаси ўз ишини бошлади.

Шубҳасиз, мазкур ваколатхона мамлакатимизга янада кўпроқ япон сайёҳларини жалб этиш йўлида хизмат қилади. Апрель ойида мамлакатимизга ташриф буюрган Япониянинг "Кейзэй Даюкей" корпоратив раҳбарлари ассоциацияси президенти Коичи Минагучининг фикрича, Ўзбекистон барқарор сиёсий муҳит, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар туфайли минтақада энг жўшқин ривожланаётган ва унинг тараққиётида муҳим роль уйнаётган давлатдир.

-- Ўзбекистон, -- деб таъкидлади жаноб Минагучи, -- Япониянинг бу минтақадаги муҳим стратегик ҳамкоридир. Мамлакатингиз аксарият японлар кўз ўнгидан қадимги Буюк ипак йўли утган узгача сөхрли диёрдек гавдаланиб, уларда доимо бу юртни зиёрат этишга интилишни уйғотиб келади.

Музаффар ЗОХИДОВ,  
"Жаҳон" АА,  
Токио



**А.АХМЕДОВ.** Ишхонамиз томонидан берилган йўлланмага асосан мен университетнинг кундузи бўлимида ўқийман. Корхонамиз ўқув юрти ва мен билан тузилган шартномага асосан стипендия тўлаб келади. Университетдан эса стипендия олмайман. Бу ҳолда оладиган стипендиядан даромад солиғи тўлашим керакми?

-- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига асосан талабалар ва ўқувчиларга олий, ўрта махсус ўқув юртли ва ҳунартехника билим юртлари ҳамда улар негизда тузилган бизнес мактаблар, шунингдек, олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан белгиланадиган стипендиялар жисмоний шахснинг солиққа тортиладиган даромади таркибига киритилмайди. Ўқувчиларга улар томонидан қадрларни тайёрлаш учун корхоналардан ўқув юрти, корхона ва талаба ўртасида тузилган уч тарафлама шартномалар асосида олинган маблағлар ҳисобига ўқув юртлари томонидан тўланадиган стипендиялар ҳам солиққа тортилмайди. Корхона томонидан тўланадиган (белгиланган) стипендиялар (ёки бошқа даромад-

лар) суммалари эса жисмоний шахслар даромадлари ҳисобланади ва умумий белгиланган тартибда тегишли солиққа тортилади.

\*\*\*  
**Р.ФАЙЗИЕВ:** Бизнинг жамоада ишлаб, пенсияга кетган ходимга байрам муносабати билан моддий ёрдам кўрсатган эдик. Пенсиясининг иш ҳақи ва ундан ушланган даромад солиғи ҳақидаги маълумотларни туман давлат солиқ инспекциясига топшириш керакми?

-- Молния вазирилиги ва Давлат солиқ қўмитасининг Адлия вазирилиги томонидан 1988 йил 11 июнда 444-сон билан рўйхатга олинган "Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага биноан ходим томонидан унга ишдан бўшаганидан сўнг (шу жумладан, ҳеч қачонда ишламайдиган пенсионерларга) тўланган аввалги асосий иш жойи бўйича меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ муносабатлар ва бошқа тўловлар (шу

жумладан, моддий ёрдам) уларни чегиришлар ва имтиёزلарни қўлламаган ҳолда, умумий белгиланган тартибда берилиши чоғида жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиққа тортилиши керак. Ушбу фуқароларга тўланган даромадлар ва ушлаб қўлинган солиқ умумий суммаси тўғрисида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар уларни жойлашган ердаги солиқ идорасига бир ойлик муддат ичида маълум қилишлари шарт.

\*\*\*  
**Р.МҰМИНОВ:** Корхонамиз маъмурияти ишлаб чиқариш фаолиятимиз ўзгарадиган бўлди, шунинг учун икки ой ичида ўзингиз бошқа иш тоғини, деб огоҳлантириш қоғози берди. Маъмурият мени шундай ишдан бўшатилган ҳақимми?  
-- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 102-моддасига асосан корхонада, технологи-

яда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар содир этиладиган, ходимлар сони ёки иш хусусияти ўзгарадиган, ёхуд корхона тугатиладиган бўлса, меҳнат шартномасини камида икки ой олдин бекор қилиши ҳақида огоҳлантиришга ҳақи.

Агарда меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолуиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда камида

икки ҳафта олдин бу тўғрида ходимга ёзма равишда маълум қилинади. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши ҳам мумкин.

Меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиниши тўғрисида камида уч кун олдин хабардор

### Адвокат

қилади ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўлайди.

\*\*\*  
**В.СОБИРОВА:** Мен ўн етти ёшдаман. Ёзда меҳнат таътилига чиқиб, университетга ўқишга кириш учун тайёрланмоқчиман. Аммо раҳбаримиз май ойида чиққан, ёз ойларида сента руҳсат бера олмайман демоқда. Шу тўғрими?

-- Меҳнат Кодекси 244-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида 30 календар кундан иборат йиллик таътил берилади. Улар бундан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа фаслида фойдаланишлари мумкин.

Башарти, таътил берилаётган йил ходим ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ва тўлгандан кейинги даврларни ўз ичига олса, таътилниги муддати ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган иш стажини учун ўттиз календар кун ҳисобидан, ўн саккиз ёшга тўлгандан кейинги иш стажини учун эса умумий тартибда ҳисоблаб чиқилади.

## СЎРАГАН ЭКАНСИЗ

# ЮРТИНИҢ БЕШ ПАХЛАВОНИ

Сурхондарё қадим замонлардан ўзининг елкаси ер кўрмаган палвонлари, алпомишкелбат баҳодирлари билан танилган. Бу борада, айниқса, **Бойсун** этакларида жойлашган Сайроб қишлоғи ажралиб туради.

Қизиғи шундаки, дунёга овозаси кетган минг йиллик азим чинорларни ҳам, кишиларни хайратда қолдирадиган мўъжизали баликларни ҳам шу ерда учратасиз... Абдужаббор Ҳасановнинг нафақат мамлакатимизга, балки чет элларга овозаси кетган беш пахлавон ўғли ҳам Сайроб фарзандларидир...

## БАҲОДИР

**Баҳодир ҲАСАНОВ** — 28 ёшда, Халқаро тоифадаги спорт устаси, собиқ Бутуниттифок турнирининг олти марта голиби, Собиқ СССР чемпиони. Ўзбекистон Республикаси чемпиони.

Баҳодир полвон билан машқ майдонида учрашиб қолдик. У кенжа укаси Ҳасаннинг курашини кузатарди. Укасининг хатти-ҳаракати унга маъқул бўлмади шекилли, курашни тўхтатиб уни ёнига чақирди-да, бир-икки оғиз маслаҳат берди. Кенжа полвон биздан узоқлашгач, Баҳодир менга қараб, “Ҳасандан умидимиз катта, уни ёшлитидан дадил, танти курашишга ўргатимиз керак”-деди. Бу гаплар бир неча йил муқаддам бўлган бир воқеани ёдимга солди:

Баҳодирнинг энди спортга кириб келаётган пайтлари эди. Бир беллашувда ёши каттароқ полвонга қарши майдонга тушди. Рақиб ўзига нисбатан анча бақувват. Шу боис аввалига у узоқдан туриб ҳаракат қилди. Биринчи қафасдан сўнг устози уни олдига чақириб, кўрқмай дадил курашиш лозимлигини таъкиллади. Учинчи гал рақиб билан қўлма-қўл бўлган захоти уни бир қоқма билан йиқитди. Шу-шу бўлди-ю, ҳар қандай рақиб билан чўчимай олишадиган бўлди.

“Баҳодир ўн икки ёшида ноқ курашнинг самбо тури билан шуғуллана бошлади. Дастлаб унга виллоятнинг машҳур полвони Сафар Қосимов мураббийлик қилган бўлса, кейинчалик Виктор Булатовдан сабоқ олди. Иқтидорли мураббийлар қўлида ўтказилган тинимсиз машғулотлар ўз самарасини берди; ўсмирлар ўртасида бўладиган мусобақаларда бирин-кетин турли совриндорлар қаторида бўлди. Ўн етти ёшида спорт устаси, орадан бир йил ўтар-ўтмас мамлакат чемпиони, деб тан олинди.

1990 йилда Баҳодир полвон самбо кураши бўйича жаҳон биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Аммо машқ пайтида қаттиқ жароҳатланиб, чемпионатда иштирок этолмай қолди. У устоз мураббийлари назоратида тинмай машқ қилиб, соғлигини тиклади. Икки йиллик танаффусдан сўнг Омск шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида укалари Баҳром ва Ботирлар билан бирга иштирок этиб, бронза медалини олиб қайтди.

1994 йили Жиззах шаҳрида Ш.Рашидовнинг хотирасига бағишлаб ўтказилган полвонлар беллашувида ҳам Баҳодирнинг қўли баланд келди. У бу мусобақада қашқадарёлик машҳур полвон Қ.Пирматов ва бухоролик М.Муҳаммадовларни енгиб, финалда жиззахлик полвон А.Юсупов билан майдонга чиқди. Бутун томошабинлар Юсуповни қўлаб-қувватлар, соврин Жиззахда қолишини исташарди. Аммо Баҳодир кураш майдонида ҳақиқий баҳодир эканини яна бир қарра намойиш этди. Иккинчи қафасдаёқ жиззахлик полвон Баҳодирнинг кучига қойил қолиб, майдондан чиқиб кетди. 1995 йили эса Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатининг совриндори бўлиб қайтди.

Баҳодир Ҳасанов мусобақалар ҳақида гапираркан, шундай дейди:

—Рости гап,шунча кураш тушиб, икки мартаба жуда ҳаяжонланганман. Биринчи гал чет элда, ўшанда дунёга танилган машҳур полвон Владимир Дунаев билан майдонга чиқдим. Мен эндигина собиқ иттифок чемпиони деган унвонин олган эдим. Рақибим эса икки марта жаҳон чемпиони. Қўлма-қўл бўлган захоти уни кўтариб гиламга ташладим. Бу ҳолни кутмаган Володя довлараб қолиб, жон-жаҳди билан менга ёпишди, аммо иккинчи, учинчи қафасда ҳам ундан устун эканлигимни намойиш этдим. У ёнимга келди-да:

— Қойил оғайни, шу кунгача атиги бир марта кураш майдонида енгилган эдим. Ушанда ҳам ҳакамлар фирромлик қилишган. Бутун эса сен ҳалол йиқитдинг, — деб қўлимни қисди...

Иккинчи мартаба 1994 йили виллоят қишлоқ хўжалиги ходимларининг курултойида майдонга чиққанымда ҳам жуда ҳаяжонланганман. Турли виллоятлардан ва сурхондан қўлаб полвонлар келган, ҳамма мени танийди. Кураш охирида ат- Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича турнирнинг анъанавий голиби Урал полвон билан майдонга чиқдим.

Урта Осиёда эмас, балки чет элда доврўғи кетган Урал полвон ниҳоятда кучли эди. Ута абжирлик билан тез ҳаракат қилиш туфайлигина, уни енгилш мумкинлигини ҳис қилдим. Омад менга кулиб боқди. Урал полвонни енгиб, даврдан чиққанымдан сўнг ҳам анча ҳаяжонланиб юрдим.

## БАҲРОМ

**Баҳром ҲАСАНОВ** -- 24 ёшда. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Самбо кураши бўйича мамлакат чемпиони. 1993 йил Омск шаҳрида самбо кураши бўйича ўтказилган халқаро мусобақанинг бронза медали совриндори.

Баҳром самбо кураши билан акаси Баҳодир раҳбарлигида ўн ёшидаёқ шуғуллана бошлаган. Мактабда ўқиб юрган чоғларида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги мусобақада иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади. Укасидаги лаёқатга ишонч ҳосил қилган Баҳодир уни устози Рузи Утаев билан таништирди. Шундан сўнг у тажрибали мураббий қўлида кураш сирларини ўргана бошлади. Баҳромнинг дастлабки галабаси жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақаларида пешқадамлар сафидан ўрин олгани бўлди.

1993 йил Баҳромнинг хотирасида учмас из қолдирган. Ўшанда у Омск шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида туркменистонлик номдор полвон, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Алишер Собиров билан майдонга чиқди. Алишер ёш бўлишига қарамасдан жуда кўп мусобақаларда қатнашган, тажрибали полвон эди. Буни яхши билган Баҳром эҳтиёткорлик билан, лекин дадил ҳаракат қилиб, рақибини мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди.

Баҳромдаги айнан шу хислатлар бир сафар ҳаётда ҳам қўл келган. Талабалик даврлари эди. Дам олиш кунларининг бирида курсдош дўстлари билан Бурчмулла тоғга сайрга чиқишди. Анча баландликка кўтарилиб, харсанг ёнида хордиқ чиқариб ўтиришганда бир ўспирин халлослаганча югуриб келиб:

— Акалар, ёрдам беринлар, шергим қоядан тушиб кетиб, заранг шохига иланиб қолди, сал қимирласа тушиб кетади, — деди.

Йигитлар шовилганча ўспирин ортидан югуришди. Етиб келиб қаранса, вазият ниҳоятда жиддий. Пастга қараган кишининг кўзи тинади. Шунда Баҳром арқонни олиб, белига боғлай бошлади.

— Эҳтиёт бўл, бирор фалокат рўй бермасин, — дейишди йигитлар унинг нима қилмоқчилигини сезиб.

Баҳром “Нима бўлганда ҳам, қараб туролмаймиз-ку” деди-да, эҳтиёткорлик билан қоядан тирмашиб пастга туша бошлади. Заранг дарахтига яқинлашгач, арқонни ечиб, кўрқувдан ранги оқариб кетган болаининг белига боғлади. Шундай қилиб иккаласи ҳам эсон-омон баландга чиқиб олишди.

Ҳозирги пайтда Баҳром Ҳасанов Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини тугатиб, Молия вазирлигида ишлаётган. Бўш вақтлари укаси Бобурни эргаштириб, машқ майдонига бориб туришади.

## БОТИР

**Ботир ҲАСАНОВ** — 22 ёшда. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Тўрт марта Осиё чемпиони. 1996 йил Харьковда ўтказилган жаҳон чемпионатининг қумуш медали соҳиби. 1997 йил Актюбинск шаҳрида ёшлар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати голиби.

Миллий кураш бўйича ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган III анъанавий турнирнинг бронза медали соҳиби.

Термиз яқинида катта тўй. Бир томонда алп йигитлар отларини ўйнатиб улоққа ҳозирлик кўришяпти, иккинчи томонда эса юзлаб одамларни ҳаяжонга солган кураш ниҳоясига етаяпти. Бош товоқни кўтарган туркменистонлик полвон даврани бир айланиб, бақовулнинг ёнига келиб ўтиради.

— Қани, меҳмонга талабгор борми? Бўлмаса, ҳақини берамиз, — дам-бадам полвонларни чақиради бақовул. Томошабинлар орасидан “Фалончи чиқсин, пистончи чиқсин” деган хитоблар эшитилди. Аммо тўпланганлар орасида юрак бетлаб майдонга чиқадиганлар топилмайди. Туркменистонлик полвон яна давра айлана бошлади. Шунда бир четда ўтирган йигит “Мана, олишадиган полвон етиб келди — товоққа “Йўлбарс”, талабгор” деб бақиради. Бу атрофдагилар “Йўлбарс” деганлари кимлигини яхши билишди. Улар майдонга чиқиб келган Ботир полвонни олқишлай бошладилар. Ҳаяжонли қийқириқлар остида катта кураш бошланади. Туркменистонлик полвон ҳам ўз кучига ишонадиган йигитлардан бири эди. Шундай бўлса-да Ботир полвон учинчи қафасда унинг елкасини ерга теккизади. “Халол” деб қичқиришади бир овоздан томошабинлар.

Ботир Ҳасановнинг “Йўлбарс” лақабини олишига бир ривоят сабаб бўлган. Айтишларича, Келдик авлодига мансуб Ҳужайин ва Мардон деган пахлавонлар ўтишган. Бир кун и.ов қилиб юришса уларга йўлбарс ҳамла қилиб қолибди. Шунда ака-ука йиртқиқ билан олишиб, тенгсиз курашда уни енгилган экан. Ботирнинг дўстлари уни шу авлодга мансублигини, қолаверса, ўзи ҳам йўлбарсдек бақувватлигини ҳисобга олиб, шундай деб лақаб қўйишган.

Ботир дастлабки йирик галабасини ўн тўрт ёшида қўлга киритган. Ушанда у Тошкентда ўтказилган самбо бўйича мамлакат чемпионатида биринчи ўринни эгаллаган. 1993 йилда эса Омск шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиб, қумуш медал соҳиби бўлди. Орадан бир йил ўтгач, Олмаота шаҳрида Осиё биринчилиги мусобақалари бошланди. Бу нуфузли беллашувда илк бор Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлиб, уйга бир йўла олтин ва бронза медалларини олиб қайтди. Шу йили “Халқаро тоифадаги спорт устаси” унвонини олди. 1995 йили Бишкекда бўлиб ўтган навбатдаги Осиё чемпионатида биринчилини қўлга киритиш оғир кечди. Финалда кучли полвонга қарши майдонга тушган Ботирнинг машқ пайтида жароҳатланган оғи зирқираб оғирди. Бунинг устига рақиб унинг оғини мўлжаллаб тепди. Ботир оғриққа чндай олмай ўтириб қолди. Шу дақиқада майдондан чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо орият кучлилик қилди. Тишини тишига қўйиб, курашни давом эттирди ва иккинчи гал қўлма-қўл бўлганда рақибини мағлубиятга учратди.

Красноярскда ўтказилган мусобақаларда эса, у учинчи марта Осиё чемпионати унвонига мушарраф бўлди.

Кўп ўтмай Ботирга Актюбинск шаҳрида ёшлар ва ўсмирлар ўртасида самбо кураши бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳақидаги йўлланмани тўтқизишди. У сафар олтидан отасининг маслаҳатига кўра, Сайробга бориб муқаддас жойларни зиёрат қилди. Кекса бобоси Соқи полвоннинг хузурда бўлиб, луосини олди. Зиёратдан қайтгач, Ботир Қозоғистонга ўзгача руҳ билан жўнади. Вужуддаги тетиклик кураш майдонида жуда кўл келди. У бу сафар ҳам чемпион бўлиб қайтди.

Ўтган йили пойтахтимиз Тошкентда биринчи мартаба Осиё чемпионати ўтказилди. Бу чемпионатда рақибларни бирин-кетин мағлубиятга учратган Б.Ҳасанов финалда мўғулистонлик полвон билан майдонга тушди ва мутлақ галаба билан тўртинчи марта Осиё чемпиони унвонини қўлга киритди.

Албатта биз бу мақолада унинг барча муваффақиятларини ҳикоя қилганимиз йўқ. Чунки улар ниҳоятда кўп. Ишончимиз

комилки, бундан кейин ҳам бўлади.

## БОБУР

**Бобур ҲАСАНОВ** — 19 ёшда. Самбо ҳамда дзю-до бўйича мамлакатимиз ёшлари ва ўсмирлари ўртасида ўтказилган мусобақаларнинг совриндори.

Бобур ҳам акалари сингари ўн ёшидан спорт билан шуғуллана бошлаган. Бунга аввало тўнғич акаси Баҳодир сабаб бўлди...

Бобур мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ тенгқурлари орасида виллоят миқёсида ўтказилган беллашувларда пешқадамлар сафидан ўрин олган эди.

1994 йил мамлакатимиз ёшлари ва ўсмирлари ўртасида бўлиб ўтган мусобақада эса бронза медалини қўлга киритди. Бу унинг дастлабки, йирик галабаси бўлди. Кейинчалик Чирчиқ шаҳридаги дзю-до кураши бўйича ўтказилган мусобақада соврин билан қайтди.

1996 йилда Тошкент шаҳрида самбо кураши бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Шу мусобақалар Бобур учун катта мактаб бўлди, десак янглишмаймиз. Бу беллашувда у халқаро тоифадаги спорт устаси, хоразмлик таниқли полвон Алишер Йўлдошев билан майдонга чиқди. Алишер Ботирнинг дўсти бўлгани сабаб Бобур у билан кўп учрашган, суҳбатлашган, ниҳоятда бақувват, кучли курашчи эканлигидан хабардор эди.

Улар биринчи марта қўлма-қўл бўлганида Алишер “Қани, укам ҳунарингни кўрсат-чи” деди. Бу гап иймаланиб турган Бобурга далла бўлди. У жон-жаҳди билан курашга бошлади. Лекин қандай усул ишлатмасин рақибни чап берарди. Беллашувда Алишер устунлик қилди. Мусобақа тугагач у Бобурнинг ёнига келиб, “Тўғриси айтсам, яхши курашчи бўлибсан, агар тажрибам асқотмаганда сени енгил қийин экан”, деб унинг кўнглини кўтарди.

## ҲУСАН

**Ҳусан ҲАСАНОВ** -- 15 ёшда. 1997 йил дзю-до кураши бўйича Сурхондарё виллоят мактаб ўқувчилари орасида биринчилини қўлга киритган. 1998 йил виллоятда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақа совриндори.


Одатда бир неча фарзандни ўстириб анчагина ҳаётий тажрибага эга бўлган ота-оналар энг кенжаси тарбиясига алоҳида эътибор беришади. Ака-опалар унга гирди-капалак бўлишади. Ҳасановлар ҳонадонда ҳам шундай бўлган. Ҳусан эндигина эсини таниганда катта акаси Баҳодир аллақачон элга танилганди. Ҳусан ўша вақтлардаёқ акаларига ҳавас билан қарарди. Бора-бора бу ҳавас иштиёққа айланди. Спорт билан жиддий шуғуллана бошлади. Қизиғи шундаки, Баҳодир полвон бошқа укаларини ўзи машқ майдонига етаклаган бўлса, Ҳусан ақсинча, акаларининг ҳоли-жонига қўймасдан бирга машқ қилишга ундарди. Шундан сўнг ака-укалар ҳовлида бир-бирлари билан “жанг”га тушишарди.

Ҳусан улгайгач акалари сингари катта полвон бўлишни, халқаро мусобақаларда иштирок эттишни орзу қилди. Бир сафар у акаси Ботир полвондан жаҳон чемпионати ҳақида гапириб беришни сўради. Шунда Ботир “Тоғ чўққисига кўтарилиш учун аввал унинг довлонларини босиб ўтиш керак, полвонлик ҳам худди шундай. Мана сен шаҳар ва виллоят даражасидаги мусобақаларда қатнашиб голиб чиқдинг. Энди эса, мамлакат миқёсидаги беллашувларда иштирок этиб ўз маҳоратингни кўрсатишинг керак. Шундангина халқаро мусобақаларда, қолаверса, жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритасан. Бунинг учун сабот билан, тинимсиз машқ қилиш керак”, — деди. Бу сўзлар доим Ҳусаннинг ёнида туради. У ёш бўлишига қарамасдан бошлаган ишини албатта охирига етказадиганлардан. Сурхондарёлик Абдужаббор ака билан Ойчуқ опа кенжа ўғилларидан умидлари катта, у акалари изидан бориб, янги-янги кураш довлонларини забт этишига ишончлари комил.

\*\*\*

Азал-азалдан юртининг ори полвонлари қафтида бўлган. Улар бел боғлаб майдонга чиқар экан, киндик қони тўқилган ерининг -- Ватанининг шон-шарафини, миллиятининг гурурини ҳимоя қилиш учун олишган. Бутун мустақил Ватанимиз жаҳонга бўйлаётган бир даврда ота-боболарининг анъанасини давом эттираётган ака-ука Ҳасановлар ҳам шу эзу ниятларини кўнглига тугишган экан, уларга бу кутлуғ йўлда ажодлар руҳи, эл-улус олқини ҳамроҳ бўлишини талаб қоламиз.

Нарзулло ОРИФИЙ



## Алпомиш авлодлари

Дунёда энг пулдор кишилар кимлар, уларнинг қанча маблаги бору нима иш билан шуғулланади? Бундай саволлар, шубҳасиз, кўпчиликни қизиқтиради. Шунинг учун бўлса керак, жаҳон оммавий ахборот воситалари бу ҳақда кўпроқ ва ўз рақобатчиларига нисбатан тезроқ маълумотлар тарқатишга ҳаракат қилади. Бу гал Буюк Британиянинг «Санди таймс» газетаси биринчилардан бўлиб Ер юзидаги 50 нафар энг бадавлат одам рўйхатини эълон қилди.

Маълумки, бадавлат кишилар рўйхатида бир неча йилдан буён америкаликлар кўпчиликни ташкил қилиб келади. Шунингдек, рўйхатнинг энг юқори погоналарида ҳам улар турар эди. Бу сафар ҳам рўйхатнинг 24 та погонасини Америка фуқаролари эгаллади. Америкаликлар билан тенглашишга ҳаракат қилиб келаётган швейцариялик ва немис

## КИМ КИМДАН БОЙРОҚ?

пулдорларининг ҳам рўйхатда тутган ўрни ёмон эмас. Европа пулдорлари рўйхатида ҳам асосан мазкур икки мамлакат вакиллари кўпчиликни ташкил қилади. Саудия Арабистони ва брунейлик нефть корчалонлари ҳам рўйхатнинг юқори погоналаридан жой олган. Лекин ушбу рўйхатга Буюк Британия ва японияликлардан бирон бир киши кира олмаган.

Хуллас, «Майкрософт» корпорациясининг асосчиси ва раҳбари Билл Гейтс бу йил ҳам биринчи бўлди. Унинг мол-давлати, 36,25 миллиард фунт стерлингга тенг экан. Рўйхатнинг иккинчи погонаси Б.Гейтснинг ватандоши Робсон Уолтонга насиб этди. У ўзининг кўплаб йирик савдо дуконларидан мўмайгина даромад топиб, ҳамон биринчи бўлишга интилмоқда. Ҳозирча Р.Уолтоннинг давлати 34,37 миллиард фунт стерлингни ташкил қилади.

Учинчи уринни Бруней султони эгаллади /22,5 миллиард фунт стерлинг/. У бир неча йил давомида пулдорлар рўйхатини бошқариб келган эди. Лекин Б.Гейтс султон панжасига панжа-урди.

Шунингдек, дунё бозорида қутилмаганда нефть маҳсулотлари нархининг пасайиб кетиши ҳам султоннинг пулдорлар рўйхатидаги ўрнига таъсир қилмай қолмади. Туртинчи уринни яна бир нефть магнати - Саудия Арабистони подшоҳи Фахд банд этди. Унинг давлати 15,62 миллиард фунт стерлингга тенг.

Европалик миллиардерлар рўйхати Швейцариянинг доришунослик корхоналари эгаси Пол Сашдан бошланади /15 миллиард фунт стерлинг/. Кейинги беш уринни ҳам европаликлар, яъни автомобилсозлик ҳамда пардоз-андоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан банд бўлган германиялик тадбиркорлар эгаллаган. Жумладан, тўққизинчи уринни машҳур «БМВ» автокомпанияси раҳбари Йоханна Кванд банд этган бўлса, кейинги поғонада пардоз-андоз маҳсулотлари «қироличаси»га айланган «Л'Ореал» фирмаси соҳибаси Лилиан Беттанкур номи турибди. Қисқаси, эллик нафар пулдорлар рўйхатининг 23 погонасини европаликлар забт этган.

Равшан МАХМУДОВ,  
УзА шарҳловчиси

ТОКИО. 20 апрелга ўтар кечаси Япониянинг жанубий ороли - Окинава яқинида АҚШ денгиз пийда кўшинларига қарашли вертолёт ҳалокатга учради. Оқибатда уч киши ҳалок бўлди, бир киши бедарак йўқолди. Вертолёт нима сабабдан Окинава шимолида жойлашган АҚШ қуроли кучларининг жанговар машқ майдони яқинида Тинч океанига қулаб тушгани номаълум.

АҚШ вертолётлари ва Япония хавфсизлик бошқармасининг назоратчи кемалари бедарак йўқолган экипаж аъзосини изламоқда. Лекин ҳали вертолётнинг ўзи ҳам топилгани йўқ.



ВИЛЬНЮС. Литва ташқи ишлар вазири Альгирдас Саударгас икки кунлик расмий ташриф билан Норвегияга жўнаб кетди. Ташриф давомида у Норвегия қироли Ҳарольд У, мамлакат Бош вазири Хелл Магне Бондевик, ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек ҳамда Стортингнинг /парламент/ ташқи ишлар ва мудофаа бўйича қўмиталари аъзолари билан учрашади. Учрашуларда Литванинг НАТОга қўшилиши, минтақавий хавфсизлик муаммолари, икки давлат ўртасидаги алоқалар ҳамда Болкондаги вазият билан боғлиқ масалалар кўрилади.

Шунингдек, А.Саударгас Тоенсберг шаҳрида Литванинг фахрий консулиги очилиш маросимида иштирок этади.

СИДНЕЙ. Австралиянинг Ф-111 қирувчи-бомбардимончи самолёти Жанубий Хитой денгизининг Малайзия қирғоқлари яқинидаги қисмида йўқолди. Ушбу ҳодиса Ф-111нинг Квинсленд штатидаги Эмберли ҳарбий ҳаво кучлари базасидан чиқиб, Австралия, Буюк Британия, Малайзия ва Сингапур ҳамкорликда ўтказган ҳарбий ҳаво машқларида иштирок этгандан сўнг содир бўлди. Қидирув ишлари давом этмоқда.

ПЕКИН. Хитойнинг Сичуань вилояти ўрмонларидаги кучли ёнғин бутунлай ўчирилди. Бу офат натижасида 100 гектардан кўпроқ ҳудуд ёниб кетди. Маълумотларга кўра, унга қарши курашда мингдан зиёд ўт ўчирувчи иштирок этган. Қурбонлар ва етказилган моддий зарар ҳақида эса маълумот берилмаган.

## Шарҳловчи минбари

### АФРИКА: БЕҚАРОРЛИК ГИРДОБИДА

Африканинг қатор мамлакатларидаги ҳокимият талашчилар, этник ва қабилавий қарама-қаршиликлар, давлат тўнтаришлари, қўшни давлатлар билан ҳудудий можаролар қитъани сайёрамизнинг энг нотинч нуқталарига айлантarmoқда. Давомли беқарорлик минтақа ҳаётига хос кўриниш бўлиб қолаётгани халқро ҳамжамиятни жиддий ташвишга солмоқда. Айниқса, бир мамлакатда бошланган фуқаролар уруши қўшни давлатларни ҳам ўз домига тортиши, маҳаллий можаронинг минтақа миқёсида кенгайиши шундоқ ҳам қашшоқлик ва очарчилик азобини тортаётган тинч аҳоли бошига янги қулфатларни ёғдираёттир. Конго Демократик Республикасида бўлаётган фуқаролар уруши, Анголада ҳукумат қўшинлари билан мухолифатдаги УНИТА ўртасидаги қарама-қаршиликлар, Сьерра-Леонедаги беқарорлик ушбу фикрга яққол мисолдир. Ҳозир ушбу мамлакатлар ҳақида гап кетганда унга қўшни мамлакатлар Намибия, Зимбабве, Уганда, Руанда, Буркино-Фасо ва қатор бошқа мамлакатлар номи ҳам тилга олинмоқда.

Яқинда Ангола пойтахти Луандада Конго Демократик Республикаси, Зимбабве, Намибия ҳамда Ангола президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур учрашувдан мақсад Ангола ҳамда Конго Демократик Республикасида ҳукумат қўшинлари билан исёнчилар ўртасидаги қуроли можароларни бартараф этиш муаммоларини муҳокама этиш эди. Учрашув якунида тўрт давлат бошчиқлари ташқи кучларга ҳамда исёнчиларга қарши биргаликда курашиш учун коллектив мудофаа ҳақида шартнома имзолади.

Маълумки, Ангола, Зимбабве ва Намибия давлатлари ўтган йилнинг августидан буён Конго Демократик Республикаси ҳукумат қўшинларининг исёнчиларга қарши олиб бораётган курашида президент Лоран Дезире Кабилани қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бироқ бу мухолифат кучлари яққаланиб қолган, дегани эмас. Уларни Уганда ва Руанда қўллаб-қувватламоқда. Минтақани ўз домига тортган ушбу можаро шу қадар чигаллашиб кетдики, ҳатто БМТ Хавфсизлик Кенгаши, Африканинг ЭКОМОГ ташкилоти ва бошқа халқро ташкилотларнинг сайё-ҳаракатлари ҳам қутилган натижани бермаёттир.

Конго Демократик Республикаси президенти Луандага келишидан олдин Кения пойтахти Найробида ҳам бўлган эди. Ушанда президент Л.Д.Кабила исёнчилар билан бевосита музокарага киришишга тайёр эканини билдирди. Шу вақтгача эса у исёнчиларни ташқи мамлакатлар қўллаб-қувватлаётганини қайта-қайта таъкидлаб, музокарадан бош тортиб келар эди. Кения раҳбарияти эса урушаётган томонларни Найробида муроасага келтириш ташаббуси билан чиқди. Бироқ мазкур ташаббусга ҳозирча ҳеч бир томон аниқ жавоб берганича йўқ.

Тўрт давлат президентларининг Луанда учрашувидан мақсад фақат КДРдаги қуроли можароларни бартараф қилишдан иборат эмас. Анголанинг ўзида ҳам кўп йиллардан буён фуқаролар уруши бормоқда. Президент Жозе Эдуард душ Сантушга қарашли қўшинлар билан мухолифатдаги УНИТА қуроли гуруҳлари ўртасидаги тўқнашулар кейинги вақтда яна кескинлашди. Маълумотларга қараганда, УНИТА гуруҳлари уч вилоят маркази Уамбо, Куйто ҳамда Маланже шаҳарларини қамал қилиб турибди. Бундай шароитда Ангола президенти қўшниларининг ёрдамга эҳтиёж сезиши табиийдир.

Ангола раҳбарларининг фикрича, мазкур олий даражадаги учрашув Л.Д.Кабилага қарши курашаётган исёнчиларнинг кучайиб бораётганига жавоб тариқасида бўлиб ўтган. Маълум бўлишича, яқинда Буркина-Фасо пойтахти Компореда Руанда раҳбари Пол Кагаме, КДР исёнчилари йўлбошчиси Бизими Карахи, КДРнинг собиқ президенти Пол Луисибиди ҳамда Браззавилнинг собиқ ҳокими Бернар Колелининг мафийи учрашуви бўлиб ўтган. Унда УНИТА йўлбошчиси Жонас Савимбиди ҳам қатнашган. Табиийки, бу Ангола раҳбариятини ташвишга солмай қўймайди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур мамлакатларда бўлаётган қуроли можаролар ҳамон боши берк кўчада турибди. Муаммони ҳал этиш учун президентлар ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида кетма-кет ўтказилаётган учрашувлар муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қила олмаяпти. Бунинг бош сабаби эса томонлар манфаатларининг бир-бирига зид келаётгани, муносабатларда муросасизлик ҳукмронлик қилаётгани билан изоҳланади.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
УзА шарҳловчиси

## Кўнгил мўъжизаси

Дақиқа зарбидан тўкилар кунлар,  
Етим соғинчларга лиммо-лим соғинч,  
Кўнгил сабрларнинг тубини излаб  
Тупроққа қоришиб излаёттир куч.  
Йўл узун. (Бу ўша ҳамма билган йўл)  
Чор атроф қорилган сукут лойига  
Фақат...  
Дақиқа зарбидан тўкилар кунлар  
Жимитдай Сувратнинг пойига.

## БАҲОР

Бир тутам дахрий ёруғлик,  
Пардозсиз юракка уради шона.  
Вужудни тарк этар занг босган руҳлар  
Ҳирқироқ тасаввур ҳатлар остона.  
Майносиз қотиб қолган кўзларнинг  
Ичида ёқилар каттакон гулхан...

Оёқлар остида ўралишиб юрган  
Замин  
Дунёга айланиб борар дафъатан.

ЖИМЛИКНИНГ ҚАВРИДА  
КЎЗ ОЧАР УМИД

Тик этган товуш йўқ.  
Юрагимда йиғлайди бир из.  
Осмонга интилган теракнинг  
Учида бошланаёттир куз.  
Тик этган товуш йўқ.  
Дақиқа кўприги — қилқўприк.  
Рутубатнинг қора қушлари  
Юрагимни чўқир беҳадик.

Тик этган товуш йўқ.  
Умидим бошини уради ҳар ён,  
Сачраб кетган қип-қизил рангдан  
Уфқда бўзара бошлайди Армон.

Тиловат ўқийди Сукунат,  
Хаёлга чўмгандир хаёллар.  
Рутубатнинг оғочсиз дорин  
Шай қилиб турибди саволлар.  
Жимликнинг қаърида кўз очар аста  
Умидлар, Орзулар, Армонлар  
минглаб.  
Фақат тун ухлаб қолган юракда

Қора қарғанинг қисқа эртагин  
тинглаб.

Мен энди сиғинмам,  
Кўз ёшларин тўкар ибтидо.  
Пахмоқ сочларимни тарар  
нозланиб,  
Чимилдикқа кирган хув дунё.  
Мен энди сиғинмам.  
Юрагимга сиғдирдим кузни.  
Буқун, буқун қизгангум сендан  
Бир пайт ўзинг қизганган сўзни.  
Йўллар-ўқ. Отилган тилакка  
қараб,  
Жангтоҳда лолалар қонларга  
тўлган.  
Мен энди сиғинмам, сиғинмам  
жоним,  
Йўллар ҳам қайтмайди. Тилак  
ҳам улган.  
Мен энди сиғинмам.  
Аскар ШОКИР



## 32 ПРЕЗИДЕНТ ВА 2 ЁШЛИ НАҚШБАНД

Муборак туманига борганимда танишларим бир гаройиб бола ҳақида гапириб қолишди. Эмишкни, ҳали икки ёшга тулмаган бола 40 дан ортқ мамлакатнинг давлат бошиқлари кимлигини ёддан айтиб берармиш. Ҳақиқатдан узоқроқ бўлган бу гап бизда ўша гўдак ким экан, деган бир қизиқши уйғотди.

“Камолот” жамғармаси туман бўлими раиси Шавкат Меҳмонов билан Эргаш Ярашов хонадонига бордик. Нақшбанд оиланинг кенжаси экан. 1996 йилнинг 9 августида туғилган. 8 ойлик бўлганида бурро гапиришни урганган. Елгон эмас, ҳақиқат 32 та давлат, жамоат арбоблари кимлигини сўрасангиз, ҳеч адашмай жавоб беради. Уларни на отасидан, на онасидан эмас, балки

ойнаи жаҳон орқали эшитган хабарларидан урганган.

— Яқинда япон ишбилармонлари билан ҳамкорлигимиз ҳақидаги хабарни эшитиб қолиб, Япония Президенти ким деб сўраб қолди — дейди отаси. Мен ҳам, онаси ҳам билмаймиз. Японларга яқинроқ бир исм айтдим. Мени алдаманг, бу президент эмас, деб Нақшбанд туни билан йиғлаб чиқди.

Гулойим опа эндигина уйқудан уйғонган ўғли — Нақшбандни кўтариб келди. Болаликча эркалик билан, биз бегоналардан озгина уялиб турди. Алдовлар билан уни сўроққа тутдик.

— Куба президенти ким?  
— Фидель Кастро...  
— АҚШ...

— Билл Клинтон.  
— Фаластин?  
— Ёшир Арофат...  
— Нақшбанд қайси президентни яхши кўрасан?  
— Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Абдуганиевич Каримовни.  
— Катта бўлсанг, президент бўласанми?  
— Йўқ, Ислоҳ бобомга кўриқчи бўламан.  
— Исмингни Нақшбанд деб ким кўйган?  
— Боболарим...  
Унинг гапига онаси кўшимча қилади.  
— Ўғлим туғилмасдан олдин Бухорога Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига бордик. Уша кечкурун туш кўрдим. Опоқ соқолли чоллар

### Ўзбекнинг болалари

менга бир чақалоқ олиб келиб беришди. Шу-шу Нақшбанд туғилгунча мени улар тарк этишмади. Ҳозир яна боболар мени безовта қилишяпти:

«Нақшбанд бизнинг боламиз. У ҳақда давлат раҳбарига билдир. Бизнинг боламизни Юртбоши асрайди,» — дейишяпти.

**Президент болаларимиз учун ота-оналаридан ҳам кўп қайғуряптилар. Балки руҳлар ҳам шуни билишяптандир.**

Биз бу хонадондан қайтарканмиз, ният қилдик: юртимизга яна муборак ҳиллар қайтаётгани рост бўлсин. Бу кунимизга кўз тегмасин!

ЛАЙЛО,  
“Туркистон” мухбири

### БАҚАЛОҚЛАР ҲАЁТИДАН

Ер шаридаги энг семиз одам америкалик 43 ёшли Майкл Хебранко бўлиб, у 450 килограмм тош босади. Яқинда Хебранко жанобларининг юраги безовта қилди. Шифокорлар уни касалхона шароитида даволаш зарурлигини билдиришди. Тез ёрдам чақирилди. Бироқ бемор шу қадар семиз эдики, у на эшикдан, на деразадан сизмади. Жанобни касалхонага олиб кетиш жуда катта муаммага айланди.

Узоқ тортишувлар, маслаҳатлардан сўнг унинг девори бузилиб, китлар ташишда фойдаланадиган автокўтаргич ёрдамида уни касалхонага олиб боришга тўғри келди.

Австралиянинг семиз кишиларидан бири - Боди Нейл ҳар йили овқат учун минглаб доллар маблағ сарфларкан. У айниқса гамбургер, ковурилган картошкани қанча еса ҳам тўйганини сезмайди. Ҳозир унинг вазни 330 килограммга етди. Боди сўнгги йилларда семизлигидан азият чекавериб, озишга қарор қилди. Бунинг учун еса маблағ керак.

Бақалоқ пул топишнинг йўлини ҳам топибди: мамлакатдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 43 та йирик фирмалар раҳбарларига мурожаат этиб, сизлар мазали овқат-маҳсулотлар тайёрлаб мени семиртирдиглар, энди марҳамат қилиб, озишга ёрдам беринглар. Акс ҳолда сизларнинг устингиздан судга арз қиламан, деди.

### НОВЧАМАРЛА МАЗАДА

Инсоният йил сайин новчалошиб борапти. Одамлар буйи сўнгги 150 йил мобайнида 20 сантиметр ўсибди. Очайо штати профессори Ричард Штекелнинг фикрича, буйнинг ўсиши турмуш шароитлари ва яхши овқатланиш билан боғлиқ экан.

Новчалик фикр саломатликдан ҳам дарак беради. Норвегияликлар маълумотига қура, буйчан одамлар узоқ яшайди.


### БИЗГА ЎХШАМАГАН ОДАМЛАР

Хиндистонлик Вадакенгар Мухаммад ҳозир 80 ёшда. У умрининг 46 йилини уйқусизликда ўтказмоқда. Вадакенгар 34 ёшида кўз оғриғи дардига мубтало бўлади. Шундан сўнг уйқу уни тарк этади. Уйқусиз тунлар унинг учун бесамар кетмади. У Куръони каримни ёд олди.

Швед Каролина Ольсан 1876 йилда ўн тўрт ёшида мактабдан қайтаётганда тойилиб кетиб, боши билан ерга йиқилди. Орадан бир неча кун ўтгач, у шунчалар қаттиқ уйқуга кетдики, ҳатто электр токи билан ҳам уйғотиб бўлмади. Онаси унинг ёнида ўтириб, қизига найча орқали сут ва ширин сув юбориб турди. 1908 йилда она ҳаётдан кўз юмгач, унинг ўрнига кўшни хотин қизчани озиқлантириб ўтирган.

Каролина орадан 42 йил-у 42 кун ўтгач, уйғонганида аслида 56 ёшда бўлса-да, худди 25 ёшли қиздай эди. Кейинчалик у оддий одамлар каторида ҳаёт кечирди. 1950 йилда 88 ёшида вафот этган.

Хориж матбуотидан



### Теннис кортларида - журналистлар беллашуви

«Пахтакор» стадионининг теннис кортларида журналистларнинг теннис буйича анъанавий «Бойчечак» турнири ниҳоясига етди.

Мусобақада радио, телевидение, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги /ЎЗА/, «Народное слово», «Матрифат», «Спорт», «Ташкентская правда», «Теннис+», «Ватанпарвар», «Андижанская правда», «Андижоннома», Алматининг «Гол» газетаси ва «АвтоПресс» журнали журналистлари иштирок этди.

Айрат Ялалов /«АвтоПресс»/ мусобақа голиби бўлди. Иккинчи ўринни ҳам автомобилчилар журнали вакили Артём Битюцкий эгаллади. Учинчи ўринни икки журналист - Асрор Муминов /«Спорт»/ ва Ирисмухаммад Абдукаримов /«Ватанпарвар»/ эгаллади.

Жуфт беллашуларда А.Ялалов - А.Эшмаматов /Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Ёшлар канали/ энг яхши натижага эришди.

Турнир голиблари учун белгиланган асосий совринлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши, таниқли «Кока-кола» компанияси ва «АвтоПресс» журнали ҳам бир қанча махсус совринлар таъсис этган эди.

Д.САИТОВА,  
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Германиянинг К. Дуйсберг номли жамияти билан ҳамкорликда

### “АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ”

дастурида иштирок этиш учун танлов эълон қилади.

Танловда 35 ёшгача бўлган олий маълумотли (иложи борича иқтисодий соҳада) ўз касби буйича 2 йилдан ортқ иш стажига эга (имкон қадар атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ соҳада), немис тилини билладиган, раҳбарлик лавозимларида ишлаган мутахассислар қатнашиши мумкин. Иш ўрганиш муддати — 9 ой. Барча харажатлар жамият томонидан тўланади. Аризалар 15 майгача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент ш. Афросиёб кўчаси -- 41.

(Мўлжал: «Ўзбекистон» супермаркети,

кириш «Дилшод» дўкони томонидан)

Телефонлар: 56-78-23, 56-65-78.

### “ЭЛИТА-Т” ШИФКОРЛАРНИНГ МАРКАЗИ

Куйидаги соҳалар буйича ташхис қўйиш ва даволаш ишларини амалга оширади:

1. Терапия
2. Урология (жинсий ожизлик, простата бези ўемасини операциясиз даволаш)
3. Дермато — венерология
4. УЗД (маълум қиламизки, бизда УЗД олий тонфали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Турсунбой Суннатович Саидов томонидан амалга оширилади)

Телефонлар: 72-80-58, 53-52-02

Манзилимиз: Чилонзор кўчаси-80, «Шифокор»

(«Медик») меҳмонхонасининг 2-қаватида.

Мўлжал: АҚШ элчихонаси ва «Чилонзор» савдо маркази.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Рўзибой ҲАМИДОВ

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61

Қабулхона — 136-56-58

Хатлар бўлими — 133-79-69

МАЊИЗИМИМIZ:

100052 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-йў

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.